



2018 yil " 11, август № 413

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сонли қарори тўғрисида**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантирипнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда жойларда бошқарув кадрлари малакасини оширишнинг сифатини яхшилаш, тингловчиларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3901-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3901-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда Академия деб аталади) ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Гулистон, Қарши, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Академиянинг худудий филиалларини (кейинги ўринларда худудий филиаллар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги;

Худудий филиалларда директор, бош мутахассис, бош методист ва техник ходим лавозимлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими маркази тизимидағи таълим муассасаларининг умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қисқартирилиши ҳисобига ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шунингдек, худудий филиалларнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар:

замонавий шароитларда бошқарув кадрларининг касбий билим ва савиясига қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда, жойларда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш;

малака ошириш курслари тингловчиларида маҳаллий бошқарув ва худудий ривожланиш соҳасидаги чуқур ва амалиётга йўналтирилган, шунингдек, стратегик режалаштириш, горизонтал ва вертикал муносабатлар

тизимига оид билимларни, давлат ва ҳудудий дастурларни ҳамда норматив-хуқуқий хужжатларни сифатли ижро этиш кўникмаларини шакллантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари учун вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жалб этган ҳолда доимий асосда ўкув-амалий семинарларни ташкил этиш;

ўкув-амалий семинарлар доирасида тингловчиларда фаолиятни режалаштириш ва иш режалари (“йўл хариталари”)ни сифатли бажариш кўникмаларини шакллантириш;

малака ошириш курслари ва ўкув-амалий семинарлар жараёнида аниқланган муаммолар бўйича ахборот-тахлилий материалларни тайёрлаш;

Ҳудудий филиалларга Академия ректори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган, мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари бўйича Академиянинг факультет деканига тенглаштириладиган директор раҳбарлик қилиши белгиланганлиги;

ҳудудий филиалларда ўқишни ташкил этиш 1-иловага мувофик схема бўйича амалга оширилиши белгиланганлиги инобатга олинсин;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари таркибидан шакллантириладиган буюртмалар асосида ҳудудий филиалларда малака ошириш режалари Академия томонидан тасдиқланиши;

ҳудудий филиалларда ўкув жараёни замонавий таълим технологияларини татбиқ этган ҳолда бошқарув кадрлари кўникмаларини шакллантириш, интерфаол машғулотлар ва давра сухбатларини мунтазам ўtkазиш, ҳудудларда юзага келган муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал этиш асосида ташкил этилиши;

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидан ҳудудий филиаллардаги ўкув жараёнига юбориладиган шахслар ҳудудий филиалларнинг тегишли дастурлари асосида Академияда ўқитилиши;

ҳудудий филиалларда ўкув режадаги фанларни ўқитиш учун профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассислар штат ва соатбай асосда жалб этилини;

ҳудудий филиаллардаги малака ошириш курсларида иш жойидан ажralган ҳолда таълим олаётган тингловчилар учун ўқиш даврида асосий иш жойидаги лавозими ва ўртacha ойлик иш ҳақи сакланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ҳудудий филиаллар олий таълим муассасаларининг биноларида “ноль” ставкадаги ижара тўлови асосида ҳамда тегишли коммунал ва фойдаланиш харажатларини қопламаган ҳолда 2-иловага мувофик жадвал бўйича жойлаштирилганлиги;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб, малака ошириш курсларига машғулотлар ўtkazish учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган

шахсларга соатбай иш ҳақининг миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга кўпайтирилганлиги;

шунингдек, Академия ректорига малака ошириш курсларига жалб этиладиган юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга:

уларнинг кўпи билан 20 фоизига ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилаш;

шартнома асосида жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақининг миқдорини белгиланган миқдордан икки ярим бараваргача юқори этиб белгилаш хуқуқи берилганлиги;

худудий филиалларда бошқарув кадрлари, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида давомийлиги бир ойдан ошмаган қисқа муддатли дастурлар бўйича малака оширишлари;

худудий филиаллардаги малака ошириш курсларига фақат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органларининг худудий тузилмалари ҳамда бошқа давлат ташкилотларининг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари давлат гранти асосида қабул қилиниши;

худудий филиаллар фаолиятини услубий таъминлаш ҳамда малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарлар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш Академия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши;

худудий филиаллардаги малака ошириш курсларидан муваффақиятли ўтган бошқарув кадрларига белгиланган намунадаги сертификатлар берилishiши маълумот учун қабул қилинсин.

Худудий филиаллар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носиров, Ташкилий-назорат гурухи раҳбари Д.Ўринов, Фарғона давлат университети (Р.Максудов):

малака ошириш даврида бошқа худудлардан келган тингловчилар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларга Фарғона давлат университетининг ётоқхоналаридан яшаш учун белгиланган тартибда жой ажратилишини;

tinglovchilar Farfona давлат университетининг ахборот-ресурс марказидан белгиланган тартибда фойдаланишини ташкил этсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носиров Фарғона давлат университети (Р.Максудов) билан биргаликда:

Академиянинг талабномаси бўйича 2018 йилнинг 15 августига қадар филиалда малака ошириш курсларини ташкил этиш ва жойлаштириш учун керакли хоналарни таъмирлан-тиклан ишларини амалга оширган ҳолда ажратилишини таъминласин;

худудий филиаллар фаолиятини амалга ошириш учун доимий равишда зарур ташкилий-методик ёрдам кўрсатсан.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фарғона вилояти худудий бошқармаси (Х.Курбонов), Фарғона давлат университети (Р.Максудов), Ахмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази (Ш.Аслонов) ўн кун муддатда:

филиалнинг замонавий ахборот-телекоммуникация воситалари билан жиҳозланиши ва доимий равишда бутунжаҳон ахборот Интернет тармоғига уланишини;

филиалнинг республика худудларидаги иштирокчилар ҳамда Академия билан ўзаро видеоконференциялар ва масофавий тренинглар ўтказиш учун “Электрон таълим” миллий тармоғига уланишини;


филиалнинг Ахмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона фондига доимий равишда электрон уланишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носиров Ташкилий-назорат гурухи раҳбари Д.Ўринов, Фарғона давлат университети (Р.Максудов), Ахмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази (Ш.Аслонов) билан биргаликда филиалга малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарларни самарали ташкил этиш бўйича ҳар томонлама ёрдам берилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг изжросини назорат қилишини ўз зиммамда қолдирман.

Вилоят ҳокими

Ш.М.Ғаниев.




**Ўзбекистон Республикаси Президенти хуудоси
хуудий филиалларида ўқинни ташкил этиши
СХЕМАСИ**

Боскич

Тадбирлар

Масъуллар

**Бажарини
мурдагларири**



Ўзбекистан Республикаси Президентининг
2018 йил “6” августдаги ПК-3901-сон
карори 2-илюваси билан
ТАСЛИКЛАНГАН

**Ўзбекистан Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси худудий филиалларини
олий таълим мұассасаларининг биноларида “нонъ” ставкалдаги ижара түлови асосида ҳамда тегинни
коммунал ва фойдаланиш харажатларини кошлагай холда жойлаштириши
ЖАДВАЛИ***

T/r	Худудий филиалларниң номланиги	Олий таълим мұассасасининг номи	Қамраб олиниадиган худуддар
1.	Гулистан худудий филиали	Гулестон давлат университети	Жиззах ва Сирдарё вилоятлари
2.	Қарши худудий филиали	Қарни давлат университети	Қашкадарё ва Сурхондарё вилоятлари
3.	Самарқанд худудий филиали	Самарқанд давлат университети	Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари
4.	Үрганч худудий филиали	Үрганч давлат университети	Қоракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти
5.	Фарғона худудий филиали	Фарғона давлат университети	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари

* Худудий филиаллар фаолият юритилиши учун 1 та маъмурий хона, 1 та ўқув ёрдамчи хона ва ўқув машнуплотлари учун 3 та (хар бирининг сифтими 30 та тингловчина мўлжалланган) аудиториялар ажратилади.

